



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2004 йил 17 март, чоршанба

№22 (11.617)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида

Мамлакатимизда эркин демократик жамият барпо этиш йўлида амалга ошириладиган ўзгариш ва ютуқларни, миллий истиқлол ҳолатининг мазмун-моҳиятини кино санъати воситасида бадиий акс эттириш, кинематография соҳасининг ҳалқимиз ҳаётидаги, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, ҳаётининг бадиий савиясини ошириш, уни ҳозирги замон талаблари асосида янада такомиллаштириш мақсадида:

1. "Ўзбекино" давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси, Республика "Маънавият ва маърифат" Кенгашининг "Ўзбекино" давлат-акциядорлик компаниясини "Ўзбекино" Миллий агентлиги этиб қайта ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.
2. Қуйидагилар "Ўзбекино" Миллий агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:
кино санъатининг миллий маданиятни ривожлантириш, жамият маънавий ҳаётини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, бу соҳани умумбашарий ва миллий кадрларни тайёрлаш асосида тараққий этиши-нинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;
кино санъатида, кино-видеофаолият соҳасида давлат сивасини амалга ошириш;
кинематография соҳасида фаолият кўрсатаётган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва киностудияларни, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
миллий кино санъатининг энг яхши анъаналарини изчил давом эттириш ва бойитиш мақсадида иқтидорли ёш кинематографчиларни тарбиялаш, уларнинг ижодий имкониятларини рўйбга чиқаришга қўллаб-қувватлаш;
Ўзбекистон Республикаси Давлат фильмлар фонди фаолиятини бугунги кун талаблари негизда ташкил этиш;
кинофильмлар яратиш ва уларни намойиш этиш тизimini танловлар ташкил этиш орқали такомиллаштириш ва қайта техник жиҳозлаш, аҳолига кино-видеохизмат кўрсатиш даражасини ошириш;
муаллифлик ҳуқуқлари ҳимояланган кино ва видео маҳсулотларини ноқонуний равишда республика ҳудудига олиб киришга, улардан фойдаланиш, ижарага бериш ва тарқатишга қарши зарур чоралар кўриш;
импорт ва экспорт қилинадиган кино ва видео маҳсулотларига эксперт баҳоси берилишини амалга ошириш, республика ҳудудига кино ва видеофильмлар кўрсатиш ва улардан техник жиҳатдан фойдаланишнинг қоидаларини белгилаш;
кинематография соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, миллий кино маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш, хорижий кино ишлаб чиқарувчи ташкилот ва киноижодкорлар билан алоқаларни кенгайтириш, миллий кино санъатини халқаро кинофестивалларда намойиш этиш.
3. "Қорақалпоқкино" давлат-акциядорлик компанияси "Қорақалпоқкино" агентлиги этиб ҳамда "Кино-видео" ҳудудий акциядорлик бирлашмалари "Ўзбекино" Миллий агентлигининг тегишли ҳудудий бўлимлари этиб қайта ташкил қилинсин.
4. Белгилаб қўйилсинки:
кино ва видеомаҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва прокат бўйича фаолият турларига лицензиялар бериш, уларнинг амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар Республика "Маънавият ва маърифат" Кенгашининг хулосасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади;
"Ўзбекино" Миллий агентлиги Вазирлар Маҳкамасининг лицензиялаш соҳасидаги ишчи органи вазифасини бажаради.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 29 апрелдаги "Ўзбекино" давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-1427 Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муددат ичда мазкур Фармонни бажариш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 2004 йил 16 март.

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва маҳаллаларида ҳаётининг бадиий акси — «Наврўз» билан боғлиқ тадбир маросимлар алақачон бошланиб кетган. У кўкламги уйғониш, яшарли фасли билан боғлиқ байрам бўлгани боис тайёргарлик ишлари аввало, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкалмзорлаштириш ишларидан бошланади.

Бу йил ана шу хайрли анъанага алоҳида эътибор берилди. Беистисно, барча туманларда февраль ва март ойлари ободонлаштириш ва кўкалмзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинди. Жумладан, Қуйичирчиқ тумани ҳокимининг қарори билан умумхалқ байрамни юксак савияда ташкил этиш ва аҳоли барча қатламларининг фаол иштирокида ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ кенгайтирилган дастур ишлаб чиқилди.
Тумандаги тўққизта қишлоқ фуқаролар йиғини, Дўстобод шаҳридаги бешта маҳалла кўмиталари фаоллари йўл ёқалари ва кўчаларни, бог ва хиёбонларни тозалаш, мева-ли ва манзарали даракт

НАВРЎ НАФАСИ

ҳамда гул кўчатлари экиш ишларига бош-қош бўлмоқдалар. Фақат Дўстобод шаҳрининг марказий кўчаларига 2000 тулдан зиёд игна баргли дарахт кўчатлари ўтказилди. Турфа гул кўчатларини Отажонов номли агрофирма етказиб бермоқда.
Хар йилги анъанага мувофиқ, Наврўзга атаб қатор байрам ишоотлари бунёд этилди. «Янги ҳаёт» ширкат мўжизасида 200 квадрат метр сатҳли аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуи, «Ўзбекистон» таҳриба хўжалигининг 3-бўлимида озиқ-овқат дўкони, «УзКейс-маш» ўзбек-америка қўшма корхонаси модул хўжалигини ташкил этиш учун мутахассислар етиштириб берувчи ўқув маркази ва Дўстобод шаҳридаги «Зебо» хусусий фирмасига қарашли маъмурий бино қуриб битказилди.
21 март кун туман марказида Наврўзга бағиш-лаб театролаштирилган оммавий халқ сайилари ўтказилди. Шодиёналар



Шундан сўнгра байрам тантаналари туман марказий ўйингоҳига кўчди. Бу ерда кун бўйи катта байрам концерт дастури намойиш этилади. Унда республиканинг таниқли санъаткорлари ҳам иштирок этидилар. Махсус концерт дастурида туманининг етук бадиий ҳаваскорлик жамоалари вакиллари тантанали равишда Наврўзга бағиш-лаб олинган 120 кишидан иборат ижодий гуруҳнинг куй, кўшиқ ва рақсларига асосий ўрин берилган.

давра суҳбатлари, кўриктанловлар қизиқарли ўтмоқда.
Туман ҳокимлиги, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамоалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Қизил ярим ой» ва ногиронлар жамияти туман бўлимлари 2004 йил Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган муносабати билан алоҳида хайрия тадбирларини амалга оширмоқда. Ана шу жамоалар ва жамиятлар туман бўлимлари вакиллари билан иборат гуруҳ 21 март кунги йилнинг биринчи кунини 114 нафар кекса ҳамда ногиронларнинг хонадонларига ташриф буюриб, байрам совғаларини улашди.
Хулоса қилиб айтганда, Қуйичирчиқ туманида «Наврўз» тантаналари оммавий тусда, яхши кайфият ва кўтаринки руҳда давом этмоқда. Шу билан бирга, далаларда плёнқа остига чигит экиш ва очик майдонларни экишга тайёрлаш ишлари ҳам қизғин бормоқда.
Абдулазамид ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

БОКУДА ЎЗБЕКISTON ТЎҒРИСИДА ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Озарбайжон пойтахтида Россиянинг «Труд» газетаси Китоб уйи томонидан нашр этилган «Даври белгилаб берган инсон» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.
Хукуматнинг «Гулистон» тантаналари саройида давлат раҳбари маъмурияти, вазирлар маҳкамаси ва парламент, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар вакиллари, «Озарбайжон-Ўзбекистон» дўстлик жамияти аъзолари ҳамда журналистлар тўпланишиди. Китоб муаллифларидан бири — М. Шарифжоев ва мамлакатимизнинг Озарбайжондаги элчиси А. Абдурахмонов йилгиланлар эътиборига Ўзбекистон ва унинг раҳбари тўғрисида янги китобни тақдим этидилар.
Тақдимотда сўзга чиққан Озарбайжон Бош вазири биринчи ўринбосари А. Аббосов, президент маъмурияти ижтимоий-сиёсий бўлими мудири А. Гасанов, Ўзбекистон уюшмаси раиси муовини Ч. Абдуллаев, республика зиёлиларининг етук вакиллари мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Президент И. А. Каримовнинг мукамил сиёсий дастури асосида демократик дунёвий давлат ва одил фуқаро жамиятининг мустақам конституциявий-ҳуқуқий пойдевори яратилганини, мамлакат ривожланишининг стратегияси белгиланганини таъкидлашди. Янги китоб билан танишув ўқувчиларда мамлакатдаги ислохотлар изчил тус олаётганидан қаноат ҳосил этади.
Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар китобда миллий тикланиш жараёни чуқур таҳлил қилинган, республикада амалга оширилган ўзгаришлар ҳамда босқичма-босқич ўтказилган ислохотлар таҳрибасининг ибратли назарисини ва амалиёт умумлаштирилган, давлат раҳбарининг сиёсий портретига янги ёрқин чизгилар берилганини таъкидлашди.
Тақдимот Президент И. Алиевнинг Ўзбекистонга илк расмий сафари арафасида ўтказилаётгани ва мамлакатларимиз халқлари Тошкентда бўлажак учрашувлар икки томонлама амалий ҳамкорлик ривожига янги куч беришини кутаётганлигига алоҳида урғу берилди.
Тақдимот иштирокчиларига Ўзбек киностудияларининг «Буюк келажакли серкўш ўлка» номли ҳужжатли фильми намойиш этилди. Маросим ўзбек мумтоз рақсларидан тузилган мусиқий дастур билан якунланди.
«Жаҳон» АА.

МЕҲНАТИМИЗ – ЮРТ ОБОДОНЧИЛИГИГА



Бутун мамлакатда бўлгани каби, Тошкент вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида ҳам 13-14 март кунлари умумхалқ ҳашари уюшқоқлик билан ўтди

КЎКЛАМ – МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМ

Бог-роғларни гулларга, қир-адирларни яшил либосга бурқаб, байрамлар султони, зўзаллик, нафосат, яшнатин айёми — Наврўзи олам ташриф буюрмоқда. Бекобод ўрмон хўжалиги жамоаси ҳам дилларига энг яхши эзу ниятларини жо айлаб аёло кайфият, кўтаринки руҳ билан Наврўзга нешвоз чиқмоқдалар.
Бу йил ўрмончилар 600 минг тулдан зиёд игна баргли япроқлилар оиласига мансуб бўлган манзарали ва мевали дарахт кўчатларини меҳр билан парвартиришди. Ҳозирги қадар 200 минг тул нихол буюртмачиларга етказиб берилди. Металлургия тарихи Бекобод, нурчилик маскани Ширин шаҳарларининг корхона ташкилотлари, Бекобод, Бука туманлари деҳқон ва фермер ҳамда ширкат хўжаликлари, қўшни

ТОЗАЛАШДИ, КЎЧАТ ЭКИШДИ

Ангрен шаҳрида Наврўзга бағишлаб ободонлаштириш ва кўкалмзорлаштириш бўйича ҳашар ўтказилди.
Унда 30 мингдан зиёд ангрениклар иштирок этидилар. Ҳашарчилар майдон ва кўчаларни саранжомладилар, коммунал хизматлар бошқармаси иссиқхонаси-да етиштирилган 5 мингдан зиёд манзарали ва мева кўчатларини эқдилар.
Рустам РАВШАНОВ.
Қириай туманидаги 29-умумтаълим мактаби ўқувчилари спорт машғулотларини махсус мажмуада ўтказиб бўладилар.
Ўнқурғон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Янги йўл» маҳалласи фаоллари ўз фарзандлари тахсил олаётган мактабда спорт мажмуаси қуриб, фойдаланишга топширилди.
Наврўз байрами арафасида ўқувчиларга тухфа этилган спорт иншооти бир қанча қулайликларга эга бўлиб, унинг қурилишида маҳаллий тадбиркорлар жонбозлик кўрсатдилар.
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

ДАСТУРНИНГ КЎЛАМИ КЕНГ

Меҳр-оқибат, мурувват кўрсатиш инсонларга хос фазилат. Миллий қадриятларимиз, халқимизнинг азалий анъаналари янги-янги авлодларнинг шу руҳда тарбияланишига хизмат қилмоқда. Мустақиллик йилларида бу фазилат ўзининг янги қирралари билан янада яққол намойиш бўляпти. Маълумки, 2004 йил Президентимиз томонидан Меҳр ва мурувват йили — Кам таъминланган, кўп болали оилалар, уруш қатнашчилари, ногиронлар ва етим-есирларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. — деди «Тошкент ҳақиқати» муҳбирига вилоят молия бошқармаси бошлигининг ўринбосари Абдулазиз Йўлдошев. — Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 январдаги «Меҳр ва мурувват йили» дастури тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимизда ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқилди.
— Абдулазиз Шавкатович, вилоят дастурини
(Давоми 2-бетда).

Шартнома — қонун

КИМ КЎПРОҚ БУРЧЛИ — БУЮРТМАЧИМИ ЁКИ БАЖАРУВЧИ?

Иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб, бозор муносабатлари тўла амал қила бошлаган шароитда бу масала ҳал қилувчи аҳамият касб этади
Бозор иқтисодиётининг мазмун-моҳияти, жўн қилиб айтганда, маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг олди-соттисидан иборатдир. Бу жараён ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар ўртасида икки томонлама ва кўп томонлама тузиладиган шартномалар воситасида бошқарилади ва тартибга солиб турилади. Бинобарин, шартномалар қонуний кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади. Шу боис, шартноманинг ҳар бир бандида томонларнинг ҳуқуқ ва бурчлари уларнинг манфаатлари тенг ҳисобга олинган ҳолда белгилаб қўйилиши лозим.
Лекин, асосий масала шартноманинг пишқ-пухта тузилиши билан бирга
(Давоми 3-бетда).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!
Бизнинг индекс — 205.
Эслатиб ўтамиз: **Обуна давом этмоқда**

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

амалий жиҳатдан бажаришнинг моддий асослари ҳақида гапириб берсангиз.

— Вилоят комиссияси, вилоят бошқармалари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, корхона ва ташиқлотлар дастурда назарда тутилган вазифалар ўз вақтида ва талаб даражасида бажарилишини таъминлаш юзасидан аниқ чора ва тадбирларни амалга ошироқдалар. Кенг жамоатчилик, давлат идоралари, ширкат ва фермер хўжаликлари, бошқа тадбиркорлик ва жамоат тузилмалари маблағлари ҳамда имкониятлари кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган фуқаролар ҳамда ёлғиз кексаларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун жалб этилмоқда.

Жумладан, бола икки ёшга тулгунига қадар парвариш қилиш учун ишламаётган оналарга бериладиган нафақалар 4 миллиард 455 миллион сўм миқдорда белгиланди. Бу айтишга осон гап. Бюджетдан ажратилаётган бу маблағларни тегишли хонадонларга етказиш катта масъулият оқлайди, албатта. Воёга етмаган болалари бўлган оилаларга 5 миллиард 988 миллион сўм, кам таъминланган оилаларга 702,9 миллион сўм моддий ёрдам пуллари ажратилапти. Бу маблағлар кўмакка муҳтож одамларга аниқ етиб бориши устидан назоратни кечайтирмоқдамиз.

Бардари ташқари мазукур дастурга биноан умумтаълим мактабларининг 50 минг 117 нафар биринчи синф ўқувчиларини бепул дарс-

лиқ ва ўқув қуроллари билан таъминлашга киришилди. Шунингдек, махсус мактаб-интернатлар, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларини, кам таъминланган оилаларнинг 2-9 синфларда ўқувчи фарзандларини дарсликлар билан бепул таъминлаш ва шу мақсадда кутубхона фондларини тўлдиришга ажрати-

олият кўрсатиб турипти. Тўғри, кейинги йилларда уларнинг ҳаммасини ҳам таъмирлаб бериш имкони бўлмади. Шуни ҳисобга олиб, вилоят дастурини ишлаб чиқиш жараёнида бу муассасалар жойлашган биноларнинг ҳозирги ҳолати, таъмирлашга эҳтиёж даражаси атрофида ўрганиб чиқилди. Натижада уларни

нинг ҳозирги аҳолига жиддий эътирозлар билдирилди. Шу соҳадаги нуқсонларни бартараф этишга йўналтирилган савий-ҳаракатлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Вилоят ҳокимлиги бу муассасаларни таъмирлаш, уларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, таълим ва тиббий хизмат дара-

жасини кескин кўтаришга жиддий киришти. Шуни айтиш кифояки, фақат тез тиббий ёрдам хизмати марказларини автотранспорт ва алоқа воситалари, бошқа ускуналар билан жиҳозлашга, уларнинг биноларини таъмирлашга давлат бюджетидан 1 миллиард 434 миллион сўм сарфланмоқда. Бу харажатлар марказлашган тартибда ажратилиши белгилаб қўйилган. Айтиш пайтада умумтаълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш кўламини кенгайтириш чоралари қўйилапти. Чунинчи, муайян шаҳар ва туманларда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширишга киришилди. Шу мақсадлар учун 2 миллиард 53 миллион сўм маблағ жалб қилинмоқда. Унинг 1 миллиард 420 миллион сўминини ҳомиёлар ўз зиммаларига олишди.

Вилоят дастури, аввало, қишлоқларда ва мактабларда болалар спортини иншоотларини барпо этиш, уларни зарур анжомлар билан жи-

ҳозлашга қаратилган тадбирлар мажмуини ҳам ўз ичига олади. Бу ишларнинг умумий қиймати 1 миллиард 700 миллион сўмини ташкил этмоқда.

— Албатта, аҳолининг меҳр-мурувватга муҳтож қатламлари йўқ эмас. Мен уруш қатнашчилари ва ногиронларни, уларга тенглаштирилган фуқа-

МЕҲНАТИМИЗ — ЮРТ ОБОДОНЧИЛИГИГА

Бутун мамлакатда бўлгани каби, Тошкент вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида ҳам 13-14 март кунлари умумхалқ ҳашари уюшқоқлик билан ўтди



— Линияда — Чиноз. Туман қишлоқларида 48 минг киши хашарга чиқди!

Кетма-кет Паркент ва Олмалиқдан, Келес ва Дўстободдан, бошқа қўрғон ва қишлоқлардан қўнғироқ қилишди. Ҳамма ерда умумхалқ ҳашари алоҳида уюшқоқлик билан бошланганлиги ҳақидаги хабарлар келиб турибди. Ўтказилган кўчатлар, хашарга жалб қилинган автомобиллар, тракторлар ва бошқа техника воситалари ҳақидаги ахборотларнинг адоги йўқ. Ангрен қончилари, Бекобод металлургия ва Олмалиқ кимёгарлари хашарга жамулжам бўлиб чиқишди. Туманларнинг пахтакорлари уни далада, машина-трактор паркларида ўтказишди — чигит экишга киришиш олдидан сўнги тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Сабзавот пайкалларида, мевазор ва тоқзорларда, галлзорларда кўкмағи ишлар янада қизгин тус олди. Наврўз байрами кунлари фойдаланишга топширилган иншоотларда сўнги орасталаш, пардозлаш, синаш-ишлатиб кўриш тадбирлари амалга оширилди.

Вилоятимиз умумхалқ ҳашарининг ахли бир майдонга айланди деса бўлади. Айтиш керакки, Ангрен шаҳрида жами 23,6 гектар майдонни эгаллаган сайлгоҳ ва хиёбонлар ободонлаштирилиб, Наврўз байрамига тахт қилиб қўйилди. Тошкент туманида жуда катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари бажарилди. Хашарчилар жами саҳни 124 гектардан зиёд майдонни тозалаб, тартибга келтиришди. Эрта-индин бу

сонлар учун юқоридаги мисол ўрнат бўла олармикан? Ёки Юртбошимиз таърифи билан айтганда бугунги кун ўтса бўлди, эртага бир гап бўлар деган тушунча улур онгига сингиб кетганмикан? Наҳотки, бундай кимсалар элнинг нонига кўз олайтирган ва унинг манфаатларини ўзининг манфаатидан паст қўйган ҳар қандай инсон бир кун келиб, бундан қаттиқ афсус чекишини билмасалар, тушунмасалар?

Мирзақул ЙЎЛДОШЕВ, Пискент тумани прокуратураси ҳузурдаги солиқ ва валютга оид жиноятларга қарши курашиш бўлими инспектори.

Равшан ЁҚУБОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Мунаввар ИСОҚУЛОВА.

ДАСТУРНИНГ КЎЛАМИ КЕНГ

лаётган маблағлар 1,5 баробар кўпайтирилди. Ўзингиз ўйланг, бу ишлар қанчалик масъулиятли. Ахир, 813,5 миллион сўм маблағ ажратиб сотиб олинган дарсликларни ўқувчиларга аниқ етказиш керак. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган умумтаълим мактаблари ўқувчиларини қишқи кийим-бош билан бюджет ҳисобидан бепул таъминлашга 777,7 миллион сўм ажратилапти. Ҳар бир мактабда шу тоифа ўқувчилар аниқлаб чиқилиши, кийим-бош бевосита уларга етказилиши озмунча ишми?

— Меҳр-мурувват кўрсатиш йўналишлари кўп. Вилоятимиздаги махсус болалар муассасалари ҳозирда таъмирталовлиги ҳам сир эмас. Шу муносабат билан амалга оширилаётган режаларнинг молиявий асослари қандай?

— Вилоятимизда 12 та «Меҳрибонлик уйи» ва махсус мактаб-интернатлар фа-

қатли таъмирлаш учун жами 125,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Бунинг 1,5 миллион сўми ҳомиёлар, 3 миллион сўми бажарувчилар ҳисобидан ажратилиши хусусидаги тақлифлар ҳам дастурда ўз ифодасини топади. Асосийси, бу ишларга бюджетдан катта миқдордаги маблағ ажратилаётганлигида. Унинг ҳажми 121 миллион сўмини ташкил этапти. Табиийки, бу таъмир ишлари ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлайди.

Вилоятимиздаги «Саховат» ва «Мурувват» уйлари ҳам тўлиқ таъмирлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга жиддий киришилди. Шу мақсадлар учун 9 миллион сўм бюджет маблағлари, ҳомиёларнинг бир миллион сўмга қисини сармояларини жалб қилиш ниятида.

— Ҳабарингиз бор, иккинчи қаҳир қалқ депутатлари вилоят Кенгашининг XX сессиясида соғлиқни сақлаш ва умумтаълим муассасалари

ни бошлаш мумкин. Бу буюмларнинг қўрилиши ва сифатли кишиши учун жуда муҳимдир. Оилавий тадбиркорлар қўлидан чиққан рўзғор буюмлари хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Уларни

роларни назарда тутмоқдамиз. Вилоят дастури уларнинг турмуш даражаларини кўтариш, мушкулларини осон қилишнинг қандай режаларини кўзда тутди?

— Жамиятимизнинг бу тоифа фуқароларга эътибор катта. Меҳр-мурувват йилида бу фазилатлар янги қирралари билан намоён бўлмоқда. Чунинчи, уруш қатнашчилари ва ногиронларни, биринчи гуруҳ кўзи оғир ногиронлар, меҳнат фронти қатнашчилари, орден ва медаллар билан тақдирланганлар, байналминал жангчилар вилоятимиз шаҳарларининг транспортдан бепул фойдаланишлари белгилаб қўйилди. Шу мақсадда бюджетдан 90 миллион сўм маблағ ажратилмоқда.

Яна бир режага алоҳида тўхталиш ўринали деб ҳисоблайман. Мен вилоятимиз шаҳарлари ва туман марказларида 1991 йилгача қурилган кўп қаватли уйлари ва муҳандислик иншоотлари

лаб чиқарилапти. Бу буюмларнинг ҳаммаси харидор-ғир. Ҳозирги вақтда буюмлар фақат буюртмалар бўйича тайёрланмоқда. Оилавий хунармандлар харидорларнинг ортиб бораётган талабларини тўла қондириш учун буюмлар ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш, ишчи ўринлари сонини кўпайтиришни мўлжаллаб қўйилган. Бунинг учун ҳам ашё базасини ҳам ривожлантириш бошлаб буюрилди. Улар хайрия ишларидан ҳам четда қолмапти. Айниқса, шаҳардаги болалар боғчаларига кичкинтойлар учун мўлжалланган ўйинчоқлар ва бошқа буюмлар совға қилинапти. Даромад ва фойда олиш кўпайиши билан салмоқлироқ хайрия ишига кўл урилади. Жумладан, шаҳарда оммавий спортни ривожлантиришга ҳисса қўшиш мақсадида теннис кортини барпо этиш ишлари бор.

Оилавий хунармандлар раҳбарининг изланишлари ва кенг истеъмол буюмлари тайёрлашни ўзлаштириш ҳамда кенгайтириш йўлидаги фаолияти муносиб тақдирланди. Охангарон шаҳрида ўтказилган «Ташаббус-2004» кўрик-танловида хунармандчилик йўналиши бўйича голиб чиққан Зарифахон Баҳодировнинг вилоят босқинчи голибаси Зарифахон Баҳодиров ва ўғли Жаҳонир билан.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ. СУРАТДА: «Ташаббус-2004» вилоят босқинчи голибаси Зарифахон Баҳодиров ва ўғли Жаҳонир билан.

Даврон АХМАД олган сурат.

«Ташаббус — 2004» голиблари

Оддий тол новдаси, у бошқа дарахлардан новдаларидан ўзининг эгилувчанлиги, мўрт эмаслиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам турли рўзғор буюмлари тайёрлашга жуда кўл келади. Қадим замоналардан бошлаб улардан саваблар ва бошқа шу каби махсуслар ясалган. Мамлакатимиз муқтадликка эришган, хунармандчиликнинг барча тармоқлари қатори уни ҳам кенг ривожлантириш учун қулай шартлар яратилди.

Бу эса ўз самарасини берапти. Оддий тол новдаси каби маҳаллий ва арзон хом ашёдан буюмлар тайёрлаш йил сайин авж олапти. Ишнинг қўзини билган тадбиркорлар хунармандчиликнинг шу турига кўл уриб, кам бўлмаптилар. Улар учун бу қўшимча даромад манбаи сифатида асқотаётган бўлса, истеъмол бозорини тўлдиршига ҳам хизмат қилапти. Шунинг учун халқимизнинг қадимий анъаналардан бирини давом эттираётган хайрли сабъ-ҳаракатлар ҳамма жойда қўллаб-қувватланмоқда.

Бу соҳада баракали фаолият қўрсатаётган хунармандларнинг бири Охангарон шаҳрилик ишбилармон Зарифахон Баҳодировдир. Халқ таълими соҳасида ишлаётган Зарифахон Баҳодиров тадбиркорликнинг хунармандчилик тури билан шуғулланишга бундан тўрт йил илгари киришган эди. Дастлабки ташкилий даврдаги айрим қийинчиликлар бартараф этилган, иш юришиб кетди. Оила аъзолари ҳам унинг ёнига киришди. Фарзандлари шу хунарга меҳр қўйишди. Улар ишдан ва ўқидан бўш вақтларида жон-жон деб новдадан турли буюмлар тўқиш билан шуғулланадиган бўлиб қолдилар.

— Ишимиз сирдан қараганда, жуда осондек туюлади, — дейди Зарифахон Баҳодиров, — аслида унинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор. Танлаб олинган нов-

НОВАДАН МЎҶИЗА ЯРАТИБ

Оддий тол новдасидан ўттиздан ортиқ турдаги истеъмол буюмлари ва мебеллар ишлаб чиқараётган охангаронлик тадбиркор Зарифа Баҳодировнинг фаолияти ҳақиқатан ҳам таҳсинга лойиқ

даларнинг пўсти шилинади, силлиқланади, салқин жойда мўлжалдан давомиди сақланади, керакли ишлов берилди. Обдон тобиға етказилган кейингина, ишлов-

кўрганнингизда, хунармандларнинг маҳорати ва қўнига қўйил қоласиз. Уларни кўли гул усталар деб таърифлашнинг жуда ўринали эканлиги яна бир бор иқдор бўласиз.

ри, ошхона учун стол-стулар, катталар ва болаларга мўлжалланган қаравотлар, гул ва бошқа турли мақсадларга мўлжалланган нафис ҳамда бежирим саватлар иш-



Бугунги кунда мамлакатимизда етакчи тармоқлардан ҳисобланган қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантириш ва раванқ топтириш учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Айниқса, ўз истиқболига эга бўлган фермер хўжаликлари тизимини жонлантириш ва қўллаб-қувватлаш, республикада етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисминини фермер хўжаликлари тайёрлашига алоҳида эътибор берилмаптир.

лоқхўжаликим» филиали томонидан ажратилган 3100 килограмм аммиакли селитрани ўз манфаати йўлида талон-торож қилган.

Гап шундаки, тумандаги Абдуғаниев Абдурашид

бари ҳам ҳеч қандай хат-ҳужжатсиз олган минерал ўғитларини хўжалик майдонларидаги пахта дала-сига ишлатмасдан 40 қопи, яъни 2 минг килограммини фуқаро Собир Хотамовга бериб юбор-

Суд Кутбиддин Аширматовни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топди ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорда жарима унди-

ЭЛ ҲАҚИНИ ЕГАН КЎКАРМАС

ўғитлар сақлаш омбори мудири лавозимига жаъовбар шахс бўлиб ишлаб келган. Тумандаги хўжаликларга минерал ўғитлар етказиб бериш ва уни назорат қилиш унинг ваколати доирасига кирган. Кутбиддин эса бу ваколатини сунистеъмол қилган ҳолда туман ширкат ва фермер хўжаликлари учун вилоят «Кучлик», «Қиш-

фермер хўжалиги билан тузилган шартномага мувофиқ баҳоси 58 минг 834 сўм бўлган 825 килограмм минерал ўғит етказиб беришди. Бироқ, фермер хўжалиги раҳбари А. Абдуғаниевнинг оғзаки илтимосига биноан ортиқча 3 минг 100 килограмм аммиакли селитрани «инъом қилган».

Фермер хўжалиги раҳбари С. Хотамов эса, укалари Анвар ва Акмал Хотамовлар билан биргаликда О. Андақулов бошқарувидаги «ЕРА3-672» русумли машинада олиб кетаётганларида, туман прокуратураси ҳузурдаги солиқ ва валютга оид жиноятларга қарши курашиш бўлими тезкор ходимлари томонидан қўлга олинган.

рилишини белгилади. Ноқонуний олинган 3100 килограмм минерал ўғит туман «Қишлоқхўжаликим» филиалига қайтарилди. Бироқ, кишини бошқа бир мулоҳаза қийнади. Майли, айбдорлар жазосини олар. Аммо, ўз шахсий манфаати йўлида ҳеч қандай жиний ҳаракатлардан қайтмайдиган ин-

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Фақуллода вазиалар вазилисининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида Вазиалар Мақамасининг шу йил 10 мартдаги «Тошқин сувларини, сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш ва қўчки ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга оид масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси тегишли вазири, қўмига, идора ва ташиқлотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазиалар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари иштирок этган йиғилишида тошқин ва сел оқимларининг, қўчки ҳодисаларининг олдини олиш, аҳоли ва ҳудудларни турли табиий офатлардан муҳофаза қилишга оид чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Файзуллаев иштирок этди.

Ў.З.А.

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Халқаро ҳамкорлик марказида БМТ Тараққиёт дастури томонидан тайёрланган «Халқат таҳликасини қамқайтириш: тараққиётга оид вазифалар» мавзусидаги глобал мавзусининг тақдирини бўлиб ўтди.

Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятга эга фақуллода вазиалардан химоя қилиш умумбашари муаммолардан дандир. Ҳар йили тропик циклонлар, ер силқинишлари, қурғоқчилик, тошқин ва бошқа табиий офатлар натижасида минглаб кишилар ҳаёт билан видолашмоқда, минглаб кишилар эса бошпанасиз қоляпти. Айни ҳалокатлар оқибатида кўплаб мамлакатлар катта миқдорда иқтисодий талофат қўраётир. Табиий офатларнинг олдини олиш, хавфини қамқайтириш ва оқибатларини бартараф этиш муамкинлиги ҳақида мутахассислар асосли фикрларни ўртага ташламоқда.

Минтақамизнинг географик жойлашуви, иқлими ва сейсмик жиҳати бошқа минтақалардан фарқлангани боис юз бериш эҳтимоли мавзуд табиий офатларни бартараф этишга шай туриш муҳим аҳамиятга эга.

Н.ОЧИЛОВ, ЎЗА муҳбири.

Шартнома — қонун

томонларнинг ушбу қонуний ҳужжатда белгилаб қўйилган мажбуриятларини қай даражада бажаришларидадир. Шу нуқта назардан қараганда, эътироф этиш керакки, ҳўжалик бошқаруви билан оилавий пудратчи ва ижарачилар ўртасида тузиладиган ички шартнома ҳамда ҳўжаликлар билан таъминотчи ташкилотлар ўртасида тузилган контрактация шартномалари ҳали тўла қонун кучига кирганича йўқ. Кўпгина раҳбарлар шартномаларга эътиборсиз қараб, ҳамон бўйруқ ва кўрсатмалар асосида иш юритишдан воз кечмаётганлар. Айниқса, шартнома шартларини бажармаган томонларнинг жавобгарлигига оид бандлар тўлиқ бажарилмапти. Айтиш мумкинки, қатор туман ва унлаб ҳўжаликларнинг бир неча йилдан буён пахта етиштириш шартнома режаларини сурункасига бажармаётганининг асосий сабабларидан бири шундадир. Аммо, шу билан бир вақтда ички ҳамда контрактация шартномаларига жиддий амал қилинаётган туман ва ҳўжаликлар ҳар қандай шартнома режани муваффақиятли ундаётганига ҳам қўллаб қўлловчи бўлиш мумкин.

билан таъминотчи ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик қатъий шартнома асосига қўрилганлиги самарасидир. Биринчидан, томонлар шартнома бандларига тўлиқ амал қилганлари боис, таъминотда узилиш бўлмайди. Иккинчидан, бор-

пахта сотди. Шартномага мувофиқ у 1270 килограмм пахта ёғи ва 4930 килограмм шрот олади. Шуниси диққатга сазоворки, пахта етиштирган барча оилавий пудратчилар шартнома режаларини бажардилар. Галлачиликда эса, фанглик учун қўлланиладиган жавобгарлик чораларини қўйиштириш тақозо этмоқда. Биз Чиноз тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасининг шартномаларни рўйхатга олиш ва ижросини назорат қилиш бўлимида 2004 йил учун тузилган ички ва

қат бир пудратчи — Исрол Тангиберганов режани ундамади. Тўғри, унга ажратилган майдон баланда-паст, қия ерлардан иборат бўлиб, суғориш бироз мураккаб эди. Аммо, ҳўжалик бошқаруви шартнома тузиш чоғида бу вазиятни ҳисобга олди. Яъни бошқарув учун охиридори 40 центнердан ошириб белгилангани ҳолда И. Тангиберганов билан 36 центнер ўза-шундан шартнома тузилди. Шунга қарамай, пудратчи режадаги 25,2 тонна ўрнига 22 тонна бугдой топширди. Лекин шартнома — қонун. Унинг ҳар бир бандига қатъий амал қилиш зарур. Шу боис пудратчида камомат ундириб олингандан ташқари, у билан 2004 йил учун шартнома тузилмади.

қат бири айтганда, айрим туман ва қатор ҳўжаликларда шартномалар яхши ишламаётганига сабаб унинг моҳиятини тушунамаслик ёки буниси истамасликдир. Қола-рива, бугунги вазият ички ҳўжалик ҳамда контрактация шартномаларининг ўзини такомиллаштириш, хусусан, у ёки бу бандни бажарма-

оилавий пудратчиға неча йилга бириктирилгани ва қанча маҳсулот етиштириши лозимлиги аниқ кўрсатиб қўйилган. Илгари амал қилган шартномада «пудратчининг ҳўқуқи» банди умуман йўқ эди. Янги жорий этилганда унинг манфаатлари тўртта бандда ўз ифодасини топади. Пудратчининг мажбуриятлари банди эса, ҳам икчамлаштирилган, ҳам аниқликлар киритилган.



РОССИЯ: ВЛАДИМИР ПУТИННИНГ ҒАЛАБАСИ


14 март куни Россияда президент сайлови бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга қараганда, мамлакатнинг амалдаги раҳбари Владимир Путин 71 фоиздан кўпроқ овоз олиб, ғалабани қўлга киритган.



Владимир Путин россияликлар орасида катта нуфузга эга экани, мамлакат аҳолисининг ақсарияти унга ишонч билан қараётгани сайлов натижасини белгилаб берган эди, десак муболага бўлмайди. Шунинг учун ҳам сайловолди башоратларида ким ғолиб чиқиси эмас, балки В.Путин неча фоиз овоз олиши-ю, президентнинг келажақдаги режалари ҳақидаги тахминлар устун турди.


БУЮК БРИТАНИЯ: МЕТРОДАГИ ТИНТУВЛАР

Лондон метросида терроризмга қарши кураш бўлимининг ходимлари илк бор сайёр навбатчиликни йўлга қўйдилар. Бундан ташқари бекатларда доимий навбатчилик қилинадиган ва поездларни кузатадиган зобитлар сони ҳам оширилди.



ГРУЗИЯ: АЖАРИЯГА ТАНКЛАР КИРМАЙДИ

Грузия раҳбарияти Ажарияга танклар киритмоқчи эмас, деди Грузиянинг бош вазири Зураб Жвания мамлакат ҳўкуматидаги мухториятидаги вазиятга бағишланган факултада мажлиси бошланганидан олдин. Шу билан бирга у мажлисда Ажарияга нисбатан иқтисодий чеклаш қўлланилиши ҳақидаги масала кўтарилгани мумкинлигини инкор этмади.



ХИТОЙ: ЁН МИНГ ЁЛИМ ЖАЗОСИ

Хитойда ҳар йили ўн мингга яқин ўлим жазоси ҳақидаги ҳўкм қўлиб, улар дарҳол ижро этилади. Бу рақам China Youth Daily газетасида эълон қилинди.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

2003 йилда Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида миллий валютани барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу эса халқ ҳўжалиги учун жуда катта аҳамият касб этди ҳамда мамлакатимизда иқтисодий ўсиш ва инвестициялар ҳажмининг кўпайишига қўлай шароит яратди.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАМИЗ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Бундан миллий валютанинг ички ва ташқи барқарорлигини таъминлаш кўзда тутилди. Миллий валютанинг ички барқарорлигини таъминлаш учун Марказий банк томонидан инфляцияга қарши сиёсат юритилди, ҳисоб-китоблар тизими самарадорлигини янада оширишга қаратилган пул-кредит сиёсати олиб борилди. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, жорий йилда ҳам инфляция паст даражада, яъни йиллик 6-8 фоиздан ошмаган миқдорда бўлиши таъминланади.

изохлаш мумкин. Марказий банк томонидан амалга оширилган қатъий пул-кредит сиёсати натижасида сўнгги йилларда республикада инфляция даражаси мунтазам равишда пасайиб бормоқда. Масалан, инфляция даражаси 2002 йилда 21,6 фоиз бўлган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 3,8 фоизни ташкил этди. Бундан ташқари, аҳолининг қўлай ҳаётида ҳам ҳис қилмоқда.

«ХАЙРИ-БАРАКАТ»НИНГ ИШИ БАРАКАЛИ



СУРАТДА: Фермер ҳўжалиги раҳбари Турон Сапторов ва ғишт заводининг бошқаруви ходими Ғайрат Аҳмедов. Еркебай БОТИРОВ олган сурат.

Қибрай туманидаги «Хайри-Баракат» кенг тармоқли фермер ҳўжалиги кейинги йилларда ўзининг кўлаб хайрли ишлари билан ўрнатилган мактаб, боғчаларга ҳўжалик ҳисобидан доимий ғишт етказиб берилмоқда. Шунингдек, Наврўз байрами арафасида ҳўжалик қишлоқ аҳолисига байрам дастурхони ёзиб, кам таъминланган оилаларнинг беш нафар фарзандларининг суннат тўйларини ўтказди.

Ватанпарвар

Мамлакатимиз сарҳадларининг дахсласизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлашга, онаюртимизнинг тиқ, осуда турмушини ҳамма қилишга қодир, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бериладиган Куролли Кўчларни етукда келтириш вазифаларига муваффақиятли йилларда алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хусусан, ҳарбий соҳадаги ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилишида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳиссаси катта бўлаётган.

лар тайёрланди. Хусусан, Чирчиқ, Қибрай автомобиль мактаблари, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Бука туман кенгашлари оммавий-техник касбдаги ходимларнинг тайёрлашда юқори кўрсаткичларга эришилди. Хозирги кунда ташкилотларимизда ишлаб чиқарилаётган ҳамда кам ёқилиб сарф этиладиган автомобиллардан 4 та «Нексия», 47 та «Тиксо», 2 та «Дамас» ва 2 та «Матиз» ўқув-машқ машиналари мавжуд.

«ТУРОН» ТЕАТРИ ҚИБРАЙДА

Қибрай туманидаги мактабларда ойда бир марта ўтказиладиган Маънавият кўчаларида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари катта эътибор берилмоқда.

«Ватанпарвар» ташкилотининг вилоят кенгаши фаолиятини бош йўналиши нималардан иборат? — Ташкилотимиз асосий эътиборни Президентимизнинг аҳоли, айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган фармонлари, ҳўкумат қарорлари, Марказий кенгашнинг мейёрли ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратмоқда.

ЁШЛАР — ЮРТ ТАЯНЧИ

олиб борапти. Бу борада, айниқса, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Бекобод, Қўрчиқчиқ, Қўйичиқчиқ, Паркент туманларининг ҳудудий кенгашлари ибратли ишларни амалга ошириши. Эндиги вазифа уларнинг сифат жиҳатида эътибор қаратишда.

амалий турларини ривожлантириш борасидаги ишлар ҳақида гапириб берсангиз... — Айни пайтда барча ташкилотлар, клублар, автомобиль мактабларида спортнинг 20 та техник ва амалий турлари бўйича секциялар ишламоқда. Уларда 4 минг 200 нафардан ортиқ ёшлар шўғулланишяпти.

техника, Чирчиқ ва Келес автомобиль мактаблари ҳам эътиборга сазовор. Айни пайтда вилоятимизда спортнинг амалий турлари бўйича фаолият юритаётган 68 та секцияда 850 нафарга яқин вояга етмаган ёшлар иштирок этаёпти. Фақат жисмоний чиниктириш, спорт маҳоратларини оширишгина эмас, балки улар онгиде ватанпарварлик, она-юртга садоқат туйғуларини шакллантиришга ҳам эътибор катта. Шу нуқта назардан болаларда мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, Ватан ҳавфсизлигини таъминлаш масалаларига фол муносабатни шакллантириш борасидаги тадбирлар вилоят халқ таълими, ўрта-маҳсул, касб-хўнар таълими бошқармалари, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва мудофаа ишлари бўлимлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётганлигини айтиб ўтиш лозим.

Ўз мухбири Ж. РАУПОВ суҳбатлашди.

Суҳбатдош: Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

ХИМОЯЧИЛАР ҚАЕРДА ЭДИЛАР

Олий табақа жамоалари навбатдаги учинчи тур ўйинларини ўтказдилар. Тўрт учрашувда майдон эгалари, икки учрашувда меҳмонлар зафар кучдилар. Бир ўйинда дуранг натижага қайд этилди. Дарвозаларга 22 та тўп киритилди. Энг йирик ҳисоб Қаршида қайд этилди. Меҳмонлар вилоятимиз вақили «Металлург»ни қабул қилиб, биринчи бўлимининг ўзидаёқ 4 та тўп киритиб, ўйин тақдирини ҳал қилиб қўйдилар ва 7:0 ҳисобида йирик ғалабани қўлга киритдилар.


«Пахтакор» Бухорода майдон эгаларини 3:0 ҳисобида мағлуб этди. «Нефчи» сафарда ўйнаб, «Сўғдиёна»ни 2:0 ҳисобида эгди. «Навбахор» ўз майдонида «Сурхон» дарвозасига 6 та жавобсиз тўп киритди. Самарқандлик футболчилар ҳам ниҳоят зафар кучдилар. Улар Тошкентдаги икки мағлубиятдан сўнг ўз майдонларида «Андижон»ни 3:0 ҳисобида енгиб, дастлабки уч очкони ўз ҳисобларига ёзиб қўйдилар. «Трактор» Тошкентда «Машъал» билан баҳс юритиб, Марат Исмоилов киритган ягона тўп ҳисобига муҳим ғалабани қўлга киритди. «Қизилқум» — «Локомотив» учрашувда дарвозалар даҳслислиги сақлиниб қолди.

Навбатдаги тўртинчи тур учрашувлари 20-22 мартта белгиланган. «Металлург» 20 мартда «Сўғдиёна»ни қабул қилади.

Талъат ЮСУПОВ.

ЮНОН-РУМ КУРАШИ ТОШКЕНТДАН АФИНАГА

13-14 март кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуи юнон-рум кураши бўйича «Гран-при» туркумига кирувчи «Ўзбекистон Мустақиллиги Кубоги» халқаро мусобақасига меҳмонлик қилди.



Юртимизда кўплаб спорт турлари бўйича йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш аъёбига айланган, деди турнирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Алишер Азизжўаев. Мазкур мусобақада спортчилар совринли ўринлар ва йиғирма саккизта олимпия лицензиясини қўлга киритиш учун курашади. Афина йўлланмасига Тошкентда эга бўлган курашчилар Олимпиада ўйинларида ҳам медалсиз қолмаслигидан умид қилади.

Дунёнинг олтинмига яқин давлатидан келган 160 нафардан зиёд курашчи етти вазн тоифасида ғолиблик ва жорий йилда Афинада бўладиган Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган йўлланмалар учун гиламга чиқди. Тошкентга келган спортчилар орасида Олимпиада, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирларнинг ғолиб ва совриндорлари кўпчилиги мусобақа нуфузини янада оширди, шу билан бирга турнирнинг кескин, мурасасиз курашларга бой бўлишини таъминлади.

Олтинчи мартаба ташкил этилаётган «Ўзбекистон Мустақиллиги Кубоги» юнон-рум курашчилари учун олимпия лицензиясини берадиган сўнгги мусобақа бўлгани учун спортчилар бор тажриба ва маҳоратларини ишга солиди. Финал учрашувларида эронлик спортчилар ўзини кўрсатди — Бейруз Жамшиоғи, Масъуд Ҳошимзода ва Сажад Барзиқ ўз вазн тоифасида тенгсиз курашчи эканини исботлади. Шунингдек, Масатоши Тойота (Япония), Нуранл Койжаганов (Қозғистон), Марен Хуан (Куба), Тамаш Берзица (Венгрия) ҳам «Ўзбекистон Мустақиллиги Кубоги» мусобақаси ғолиби бўлди.

Мазкур халқаро турнирда барча вазн тоифаларида ярим финалга чиққан йигирма саккиз нафар курашчи Афина Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА мухбири.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

КОНУНБУЗАРЛИК АЙЛАНМА ЙЎЛЛАРДАГИ ГИРДОБЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келишини тартибга солиш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, вилоят ички ишлар бошқармаси вилоятнинг бошқа ҳуқуқ-тарихот идоралари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлар натижасида мамлакатимизга ноконуний равишда турли товар-моддий бойликлар олиб кирилишининг олди олинатиди. Қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудларда ички ишлар бошқармасининг тезкор йўл-патрули, боқхона ва профилактика хизматларидан иборат махсус гуруҳлари тuzилган. Чегара ҳудудларидаги айланма йўлларда, шунингдек, йўл-патруль хизмати масканларида доимий назорат ишлари кучайтирилди. Айниқса, «Гишткўприк» йўл-патруль хизмати масканида кенг қўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Шу кунгача 1422 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 657 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди. Шундан 113 та ҳолат бўйича жиноят иши кўзғатилди. Ўтказилаётган тадбирлар натижасида Тошкент туманида Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида яшовчи Шавкат Рамазоновага тегишли бўлган «КамАЗ» русумли давлат белгиси 18 G 0172 бўлган автоуловда Соҳиб Отамуродовга қарашли умумий нархи 457 минг 200 сўмлик жами 762 шишада-

Марказий Осиё ва Ҳиндистон: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА


Деҳлида «Ҳиндистон ва Марказий Осиё: қадими замонлардан ҳозирги давргача» мавзуга бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари Ҳиндистон ва Марказий Осиё уртасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ долзарб мавзуларда маърузалар қилишди. Улар юзасидан бўлиб ўтган қизгин баҳс-мунозаралар эса тадбирга ишчанлик руҳини бахш этди. Мазкур анжуман доирасида Ўзбекистон Республикасининг тақдимоти маросими ҳам ташкил этилди. Унда мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги Фавқулод-

да ва мухтор алчиси Иброҳим Мавлонов юртимизнинг иқтисодий салоҳияти, халқаро ҳамкорлик қўлами, чет эллик сармоядорлар учун яратилаётган имтиёз ва қафолатлар ҳақида батафсил сузлаб берди. Семинар давомида учта китоб тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Мамлакатимиз ҳиндишунослари томонидан тузилган, таниқли хинд профессорси Хемачандра Панде таҳрири остида нашр этилган «Ҳинд-

ча-ўзбекча кичик луғат», Ҳиндистондаги таниқли тарихшунос олима Мансура Ҳайдарнинг инглиз тилида чоп этилган «Марказий Осиё ун олтинчи асрда» номли асари ва унинг ушбу мавзуга бағишланган монографияси жамоатчиликка тақдим этилди. ШУХРАТ УМИРОВ, «Жаҳон» АА.

Шундан кейин

КЎЁШ ТИЗИМИДАГИ ЎНИНЧИ САЙЁРА



Калифорния технология институти астрономлари кўёш тизимининг ўнинчи сайёраси бўлиши мумкин бўлган фазовий жисми кашф этилди. У яқинда коинотга чиқарилган Spitzer телескопи ёрдамида топилди. Сайёрага эскимослар уммон маъбудси Седна номи берилди. Hubble само телескопи ҳам уни кўрган.

КЎШИБ ЁЗИШДАН РЕКОРД



Американинг Worldcom компанияси соҳиб раҳбарияти кўшиб ёзиш бўйича жаҳон рекордини ўнради дейиш мумкин. У турли товланмачилик йўллари билан бухгалтерия ҳисобидидаги 64,5 миллиард доллар зарари 74,4 миллиард асоссиз фойда қилиб кўрсатган. Бу нарса банкрот деб эълон қилиш жараёнини тугатиш мақсадида компания молия ҳисоботларини аудит текширувидан ўтказиш ҳоғида аниқланди.

ОМАД ВА ҚУЛФАТ ЁНМА-ЁН



Американинг Powerball лотереясида 2002 йил энг катта соврин ютишга муваффақ бўлган одам учун ўтган hafta гоят омадсиз келди. Ушанда Жек Уиттакер 314,9 миллион доллар ютиб, барча солиқларни тўлагач, 112 миллион соҳиб бўлган эди. Энди эса, бир неча кун мобайнида унинг офисидан пул ўғирлашди, автомобил қулфини синдириб, шахсий буюмларини олиб кетишди. Омад ва қулфат ёнма-ён деб, шуни айтишса керак.

САҲНА БИЛАН ХАЙРЛАШДИ



Машҳур опера тенори Лучано Паваротти томошабинлар билан хайрлашди. У Metropolitan Орега сахнасида сўнгги бор Пуччинининг «Тоска» операсидаги Марио Каварадосси ролини ижро этди. Спектаклдан олдин машҳур санъаткор опера сахнасини тарқ эаётганини расман эълон қилди. Сўнгги спектаклда Паваротти овози баъзан панд бериб, одатдагидан пастроқ жаранлаган бўлсада, зали тўлдириб ўтирган томошабинлар уни 11 дақиқа давом этган олқишлар билан қизатиб қолдилар.

Шоҳроҳат ОНАМГА

Гўё шодиёнага чоғланишларлар, Мажнунтола анҳорда ўрар жамалак. Кўкда бесаранжом учди кушлар, Табиат безанмиш мисли бир малак. Чучмома, бинафша, ялпизлар бунда, Ҳар қадам ҳазонмас, майсадир, майса. Лол бўлманг, тўй бўлган санамлар бунда, Тонгда туриб сирларин суварга айтса. Қир кўксидида қизил тугмадек, Олланиб, нозланиб турар қизғалдоқ. Нисонининг-нисонга садоқатидек, Бўғотда сайрайди таниш қалдирғоқ. Булутиз самода ой сузалади, Юлдузлари қулиб кутади наҳор. Дилларни интизор этиб келади, Қўлида Наврўзни тутганча — Баҳор! Нарғиза АСАТБЕК қизи, Қуйчирчиқ тумани.

КЕЛ, НАВРЎЗИМ

Кел, Наврўзим, келақол энди, Кел, Наврўзим, барингдан тутдик. Илҳақ қилмай, келақол, энди, Ахир сени қанчалар кутдик. Сен баҳорнинг келинчагисан, Сенга муштоқ билсанг, бутун эл. Сен кўнглининг гул-чечакисан, Эл уртга иқбол олиб кел.

Кела қолгин Наврўзи ҳамал, Ширин-ширин ўйлар билан кел. Сумалакии сузсин момолаар Қут-барака, тўйлар билан кел! Яйра ҚУДРАТ қизи, Оҳангарон тумани.

АЁН ЭНДИ...

«Тун бағри бут, менинг қалбим» Яроғли аён энди Сенинг кетар манзилларинг Сўйла жоним, қаён энди. Сен кетарсан, сенинг билан Бирга кетгай орзуларим, Орзуларнинг оғушида Бирга кетгай туйғуларим. Бирга кетгай илҳомим ҳам Бирга кетгай ранжим ҳам. Заъфарондек сарғариман Бирга кетгай ганжим ҳам. Сен йўл олган манзилларей Қаён энди, қаён энди. Юракларда не яширин Аён энди, аён энди. Зухра СУЛТОНАЛИЕВА, Тошкент тумани.

ТУРФА ЎЙЛАР...

Анвоий суларга бурканган олам, Атиргул ифори, апри ўзгача. Атиргул бевафо, атиргул алам — Лек муштоқ қалбимда, қадрй ўзгача. Кутаман беҳуда, беҳуда фироқ, Ўйларим турфаранг, тўзондор мисли, Кимлардир гафлатда, севгидан йироқ, Мухаббат гўёки барги хазондир. Мен учун муҳаббат рангин камалак, Товус патларидек, ажиб товланур. Мухаббат бўлмаса, офтобсиз фалак Солядек беҳуда, бефарқ айланур... Соҳиба ЧАНЧАРОВА, Олмалик шахри.

СУВ ИЧГАНДА

Ҳар кун эрталаб оч қоринга 30 мл сув ичиш керак. Оч қоринга ичилган қайноқ сув қон томирларини юмшатади, уларни тозалайди, танадаги ҳар хил чиқиндиларни чиқариб юборади. Овқатланиб бўлгандан кейин ҳеч қачон сув ичманг. Ордан икки соатлар ўтгач ичсангиз, танага зарар келтирмайди. Сув ичганда сипқориб ичмаслик ва нафас олганда сув идишини оғзидан олиб, нарироқ тутмоқ лозим. Сувни идишининг жўмрағидан ичманг, бирдоница сипқориб эмас, сизиб ичинг. Акс ҳолда киши жигарига зарар етиши мумкин.

Сканворг

Scrabble word search grid with words like 'Ошхона', 'Нутқини аниқ ва рабон-ниги', 'Милло', 'Хушбўй зира бор ўсимлик', 'Оқар сувнинг сунъий узани', 'Жанубий Америкадаги тор', 'Қатор', 'Тошкент вилоятининг аҳоли шаҳар', 'Кўндаланг кенгшик', 'Парагвай пойтахти', 'Насиҳат', 'Ҳамкор қадимий', 'Зофир Ражабий', 'Кўпқарчи', 'Қўйхона', 'Шитоб билан', 'Афсонавий боқ кўши', 'Андижон вилоятининг аҳоли тумани', 'Патрон', 'Ғалаба', 'Бирор иш қилишга бўлган май', 'Рақам', 'Экин майдони', 'Фасл', 'Зиён, шикаст', 'Таъмир', 'Учи ўтқириқ ов қуроли', 'Авис русум', 'Машуққа'.

Тузувчи: Ақромжон ХЎЖАМОВ.

Зангиота тумани, Иттифок кўчаси, 67-ўйда жойлашган «Ахмат-ота» деҳқон хўжалиги (ОКПО 18037535) ТУГАТИЛДИ. Даволаш эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 90-36-44, 182-38-08 рақамли телефонлар орқали қабул қилинади. Хусусий тадбиркор «ГАПУР-ЖАНОВА ЮЛИА ИГОРЕВНА» номинга берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент олий ҳарбий техник билим юрти кўмандонлик факультети томонидан 2000 йил 17 июлда Раҳматулла Шукруллоевнинг Юсулов номига берилган № 259109 рақамли дипломи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Чиноз туманидаги 13-мактаб томонидан 1991-92 ўқув йилида Раҳил Ришатович Галимов номига берилган 141596 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Маҳаммава Музаам Ғофурова номига 1993 йил 6 январда берилган жондорига эгалик ҳуқуқи ҳақидаги 08-02/3805 рақамли Давлат ордери йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Advertisement for 'Тошкент ҳақиқати' newspaper, including contact information and subscription rates.